

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таҳлили (январь-октябрь)

Давлат бюджети даромадлари. 2020 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари 94452,9 млрд. сўмни ёки ЯИМга нисбатан 23,1%ни ташкил этди. Натижада, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 15293,6 млрд. сўмга кўп маблағлар давлат бюджети даромадлари сифатида шаклланди (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 19,3 % га кўп). Ўтган давр мобайнидаги давлат бюджети орқали тушадиган *солиқ юки* умумий ҳисобда 19,5 %ни ташкил этди. Бу эса ўтган йилга (21,9 %) нисбатан 2,4 % га кам демакдир.

Шунингдек, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра жорий йил октябрь ойининг ўзида давлат бюджети даромадлари хажми 11920,2 млрд. сўмни, ўз навбатида 2020 йил 10 ойида эса 106373,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларидаги давлат бюджетига келиб тушган маблағларнинг тақсимооти қуйидагича бўлди:

- бевосита солиқлардан – 31 385 млрд. сўм (33.2 % - умумий давлат бюджети даромадларидаги улуши);
- билвосита солиқлардан – 33 113,2 млрд. сўм (35.1%);
- ресурс тўловлари ва мулк солиқларидан - 15,272.4 млрд. сўм (16.2%);
- бошқа даромадлардан - 14,682.3 млрд. сўм (15.5%).

1-жадвал

2020 йил январь-сентябрь ойларидаги давлат бюджети даромадлари

Кўрсаткичлар	Давлат бюджетига келиб тушган даромадлар, млрд. сўм	ЯИМ га нисбатан, %да	Жами даромаддаги улуши, %да
I. Даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз) – жами:	94452,9	23,1	100
1. Бевосита солиқлар	31385,0	7,7	33,2
1.1 Фойда солиғи	19442,8	4,8	20,6
1.2 Айланмадан солиқ	981,4	0,2	1,0
1.3 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	10960,8	2,7	11,6
2. Билвосита солиқлар	33113,2	8,1	35,1
2.1 Кўшилган қиймат солиғи	22318,8	5,5	23,6
2.2 Акциз солиғи	8587,8	2,1	9,1
2.3 Божхона божи	2206,6	0,5	2,3
3. Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	15272,4	3,7	16,2
3.1 Мулк солиғи	1407,7	0,3	1,5
3.2 Ер солиғи	1640,1	0,4	1,7
3.3 Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	11974,2	2,9	12,7
3.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	250,5	0,1	0,3
4. Бошқа даромадлар	14682,3	3,6	15,5

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқ ва божхона тушумлари ҳисобига шаклланди. Шунингдек, давлат бюджети даромадларида солиқдан ташқари тушадиган даромадларнинг улуши ҳам кўпаймоқда, бу энг аввало давлат улуши бўйича дивидендлар тушумларнинг ошиши билан боғлиқдир.

2020 йил январь-сентябрь ҳолатига кўра, давлат бюджетига *солиқ бўйича тушумлар* 77 564 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 15 %га ошди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари қуйидаги солиқлар ҳисобига шаклланди:

– қўшилган қиймат солиғи – 22 318,8 млрд. сўм (*жами даромадларнинг* 23,6 %);

– фойда солиғи – 19 442,8 млрд. сўм (20,6%);

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – 10 960,8 млрд. сўм (11,6 %);

– ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ – 11 974,2 млрд. сўм (12,7 %);

– акциз солиғи – 8 587,8 млрд. сўм (9,1 %);

– ер солиғи - 1,640.1 млрд. сўм (1.7 %);

– мулк солиғи – 1,407.7 млрд. сўм (1.5 %);

– айланмадан солиқ – 981.4 млрд. сўм (1.0 %);

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – 250.5 млрд. сўм (0.3 %).

Ушбу солиқ тушумларини шаклланишида йирик солиқ тўловчилар улуши юқори ўринни эгаллаб, улар ҳисобига давлат бюджетига тушадиган барча солиқ даромадларнинг 66,3 фоизи тўғри келди. Бу эса қарийб 48,2 трлн. сўм солиқ тушумларини келиб тушганидан далолат беради.


Божхона тўловлари бўйича тушум жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробарга ўсиб (4,9 трлн. сўмга), 16,2 трлн. сўмга етди. Бунда божхона тушумлари қуйидагича тақсимланади:

– қўшилган қиймат солиғидан - 13 трлн. сўм (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 46,9 %га ўсган);

– божхона божидан - 2,2 трлн. сўм (44,7 %га ўсган);

– акциз солиғидан - 0,6 трлн. сўм (24,7 %га ўсган).

Ҳисобот даврида давлат бюджетининг бошқа даромадлари 14682,3 млрд. сўмни (жами давлат бюджети даромадларининг 15,5 %и) ташкил қилди ёки бошқача қилиб айтганда, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан (9823,5 млрд.сўм) нисбатан 49,5 % га ўсди.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари, млрд. сўмда¹

Чораклик натижаларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилнинг 1-чорагида давлат бюджети даромадлари 28506,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 3-чорагида бу кўрсаткич 36295,9 млрд. сўмга етган. 2019 йилнинг 3-чорагининг ўзи билан солиштирганда давлат бюджети даромадлари 7883,5 млрд. сўмга (ёки 27,5 %га) кўпайган.

Давлат бюджети харажатлари. Молия вазирлиги маълумотларига асосан, 2020 йил учун Давлат бюджети харажатлари 131,1 трлн.сўм миқдорида, шундан, республика бюджети харажатлари 95,7 трлн.сўм ҳамда маҳаллий бюджетлар харажатлари 35,4 трлн.сўм миқдорида тасдиқланган эди. Бироқ, Коронавирус пандемиясининг тарқалиши, карантин чораларининг қўлланилиши ва баҳор мавсумида юз берган табиий офат ва техноген авариялар Давлат бюджети харажатларига жиддий ўзгартиришлар киритишни талаб этди.

Давлат бюджетининг 2020 йил январь-сентябрь ойларидаги харажатлари 102 164,8 млрд. сўмни ёки ЯИМга нисбатан 25,0 фоизни ташкил этди. Дастлабки маълумотларга кўра, октябрь ойининг ўзида эса давлат бюджети харажатлари 11178,1 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошидан бери давлат бюджети харажатлари 113342,9 млрд. сўмни ташкил этган.

Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 июлдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6029-сонли Фармонининг қабул қилиниши натижасида 2020 йил январь-сентябрь ойларида давлат бюджетидан *ижтимоий харажатларга* жами 53685,4 млрд. сўм ёки ЯИМга нисбатан 13,1 % маблағлар ажратилган. Бу эса умумий давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг 52,5 %ни ташкил қилади. Шу жумладан,

¹<https://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий маълумотлари ҳамда <https://t.me/minfinuzb> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Телеграмдаги расмий канали маълумотлари асосида тайёрланди.

ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари 45096,1 млрд. сўмни ёки ЯИМга нисбатан 11 %ни ташкил этиб, умумий давлат бюджетидagi улуши 44,1 %га етган. Шу билан бирга, ҳисобот даври давомида жами иқтисодиётни қўллаш учун қилинган харажатлар 12593,6 млрд. сўмга етди ва давлат бюджети харажатларини 12,3 % ни ташкил қилди.

2-жадвал

2020 йил январь-сентябрь ойларидаги давлат бюджети харажатлари

Кўрсаткичлар	Давлат бюджетидан қилинган харажатлар, млрд. сўм	ЯИМга нисбатан, %да	Давлат бюджети харажатига нисбатан, %да
II. Харажатлар (мақсадли жамғармалар-сиз) - жами	102164.8	25.0	100
1. Ижтимоий харажатлар	53685.4	13.1	52.5
1.1 Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	45096.1	11.0	44.1
2. Иқтисодиёт харажатлари	12593.6	3.1	12.3
3. Инвестиция харажатларини молиялаштириш	11802.1	2.9	11.6
4. Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари	5499.7	1.3	5.4
5. Суд органларини сақлаш харажатлари	275.9	0.1	0.3
6. Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	598.0	0.1	0.6
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари	1064.3	0.3	1.0
8. Давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қўвватлаш харажатлари	28.7	0.0	0.0
9. Давлат қарзларига хизмат кўрсатиш ва қоплаш харажатлари	1060.8	0.3	1.0
11. Бошқа харажатлар	15556.4	3.8	15.2
12. Давлат бюджети дефицити (-), профицити (+)	-7711.9	-1.9	-7.5


Давлат инвестиция харажатларини молиялаштириш мақсадида ажратилган харажатлар ҳам ортиб, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий ҳисобда 11802,1 млрд. сўмни (ЯИМга нисбатан 2,9 %) ташкил этди. Шунингдек, 2019 йилда марказлашган инвестиция харажатлари 3118,5 млрд.сўмни ёки ЯИМга нисбатан 0,9 %ни ташкил этган эди. Умуман олганда ўтган давр мобайнида ушбу харажатлар деярли 3,8 баробарга ортиб кетган.

Давлат бюджетидa давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура, суд органларини ва ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатларига

5499,7 млрд. сўм ажратилган бўлиб, 2019 йилнинг 9 ойига (2641,6 млрд.сўм) нисбатан 2,1 баробарга ортган. Давлат бюджети умумий харажатларидаги бошқа харажатлар 15556,4 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 64,5 %га кўпайган.

Давлат бюджетидан *давлат қарзларига хизмат кўрсатиши ва қоплаш* харажатлари 1060,8 млрд. сўмни ёки умумий бюджет харажатларининг 1 %ни ташкил этди (ЯИМга нисбатан 0,3%га тенг). 2019 йилда эса ушбу харажатлар 1530,8 млрд.сўмни ташкил этиб, давлат бюджети харажатларига нисбатан 1,9 %ни, ЯИМ га нисбатан эса 0,4 %ни ташкил этган. Кўриниб турганидек, ўтган давр мобайнида давлат қарзи ўсишига қарамасдан, давлат бюджетидан давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва қоплаш харажатлари камайиб борган. Бунинг асосий сабабларидан бири коронавирус пандемиясининг иқтисодийга салбий таъсири натижасида келиб чиққан иқтисодий инқироз даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлил натижаларидан шундай хулоса қилинадики, 2020 йилнинг 10 ойида давлат бюджети харажатлари асосан ялпи талаб ва ялпи тақлифни рағбатлантирилишига қаратилган. Бу эса коронавирус пандемияси даврида мажбурий тарзда вужудга келган иқтисодий инқирозга қарши курашишда энг самарали йўл ҳисобланади.




2-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари, млрд. сўмда²

Чораклар кесимида давлат бюджети харажатларини таҳлил қилинадиган бўлса, асосий харажатлар жорий йилнинг 2 ва 3 чоракларига тўғри келди. Бу даврда аҳоли ва иқтисодий тармоқларини коронавирус пандемияси таъсиридан химоя қилишга энг кўп маблағ сарфланди. Биргина 3 чоракда давлат бюджети харажатларининг хажми 37285,9 млрд. сўмни

²<https://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий маълумотлари ҳамда <https://t.me/minfinuzb> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Телеграмдаги расмий канали маълумотлари асосида тайёрланди

ташқил этиб, 3 чорак мобайнида яратилган ЯИМнинг (153044 млрд. сўм) 24,3 %ни ташқил этди.



3-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети профицити (дефицити), млрд. сўмда³

Давлат бюджети дефицити. Хулоса қиладиган бўлсак, Ҳисобот даврида давлат бюджетининг даромадлари 94 452,9 млрд. сўмни, харажатлари эса 102 164,8 млрд. сўмни ташқил этди ёки давлат бюджети 7 711,9 млрд сўм ёки давлат бюджети дефицити ЯИМга нисбатан 1,9 % миқдорида тақчиллик билан ижро этилди.

2020 йилнинг *октябрь ойининг* дастлабки маълумотларига кўра, давлат бюджети (давлат бюджети даромади – 11920,2 млрд. сўм, харажати – 11178,1 млрд. сўм) профицит билан бажарилиб, давлат бюджети ижобий салдоси 742,1 млрд. сўмни ташқил этди.

Умуман олганда, *2020 йил январь-октябрь* ойларида давлат бюджетиди (давлат бюджети даромади – 106373,1 млрд. сўм, харажати – 113342,9 млрд. сўм) дефицит ҳолати кузатилиб, унинг умумий манфий салдоси 6969,8 млрд. сўмни ёки давлат бюджети даромадларига 7,4 %ни ташқил этди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси харажатлари. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси харажатлари таҳлиллари шуни кўрсатдики, жамғармага 2020 йилнинг 10 ойи давомида 11257,4 млрд. сўм маблағ ажратилиб, унинг 10152,5 млрд. сўм қисми тегишли дастур йўналишларига сарфланган. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш Ўзбекистон Республикасига Халқаро молия ташкилотлари томонидан ажратиладиган кредит ва грант маблағлари ҳисобидан амалга ошириш белгиланган эди. Бугунги кунда жамғарма фонди халқаро молия институтлари томонидан жалб этилган 11 800 млрд. сўмни ҳисобида тўлиқ

³<https://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий маълумотлари ҳамда <https://t.me/minfinuzb> - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Телеграмдаги расмий канали маълумотлари асосида тайёрланди

шакллантирилди. Давлат бюджетидан аввал ажратилган маблағлар тўлик Давлат бюджетига қайта тикланган эди⁴.

Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг маблағлари шаклланиши кўйидаги Ҳалқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан шакллантирилган:

1. Ҳалқаро ривожланиш ва тараққиёт банкининг бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинган маблағлар – 17,1 фоизи ёки 2023,5 млрд. сўм;

2. Ҳалқаро валюта жамғармаси маблағлари – 32,4 фоизи ёки 3826 млрд.сўм;

3. Осиё тараққиёт банки иштирокида Коронавирус пандемиясига қарши курашиш дастури лойиҳаси доирасида жалб қилинган маблағлар – 50,4 фоизи ёки 5950,5 млрд. сўм.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси харажатлари, млрд. сўмда

№	Харажатлар	Ажратилган маблағ	Ўзлаштирилган (тўланган) маблағ
1.	Коронавирусга қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш	3228,9	2746,0
2.	Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва зарур инфратузилмани яратиш	903,8	892,2
3.	Ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш	3065,7	2549,2
4.	Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш	1358,8	1265
5.	Корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш	2233,7	2233,7
6.	Маҳаллий бюджетлар ва Пенсия жамғармаси йўқотишларини қоплаш	466,4	466,4
	Жами:	11257,4	10152,5

Изоҳ: Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг қолган маблағлари захира маблағлари сифатида шаклланган.

Пандемия даврида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги ташкил этилган Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг маблағлари коронавирус тарқалишини олдини олиш, соғлиқни сақлаш тизимида инфратузилмани яхшилаш, мамлакатда аҳоли ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадларида сарфланмоқда. 2020 йил октябрь ойи якунига кўра коронавирусга қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун 3228,9 млрд. сўм ажратилган бўлиб, унинг 2746 млрд. сўми (ажратилган маблағларга нисбатан 85 %) ўзлаштирилди. Ажратилган маблағларнинг йўналишлари бўйича: соғлиқни сақлаш объектларини қуриш

⁴ https://www.mf.uz/ru/?option=com_content&view=article&id=571

ва зарур инфратузилмани яратиш бўйича 903,8 млрд. сўм маблағ ажратилиб, унинг 892,2 млрд. сўмлик қисми сарфланган бўлса, ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун эса 3065,7 млрд. сўм ажратилган бўлиб, 2549,2 млрд.сўми ўзлаштирилди. Шунингдек, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш учун 1358,8 млрд. сўм ажратилиб, 1265 млрд.сўми ўзлаштирилди. Бундан ташқари, корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2233,7 млрд. сўм ҳамда маҳаллий бюджетлар ва Пенсия жамғармаси йўқотишларини қоплаш учун эса 466,4 млрд. сўм жамғармадаги маблағлар ҳисобидан ажратилган барча маблағлар ўзлаштирилди.

“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасида Давлат бюджетини ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолиш, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантиришга қаратилган муҳим дастурларни молиялаштириш, коронавирус пандемияси хавфи сақланиб қолаётган ҳолатда унга қарши курашиш учун зарур маблағларни шакллантириш бўйича ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Унга кўра, 2021 йилда шошилишч тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш учун Жаҳон банкдан 31,5 млн. АҚШ доллари, бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятини такомиллаштириш учун Осиё тараққиёт банкдан 25,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қарз маблағларини ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар консолидациялашган бюджетда ўз аксини топиши кўзда тутилган.

Стратегик режалаштириш ҳамда макроиқтисодий параметрлар прогнозларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича лойиҳаси томонидан тайёрланди.